



4-бет


### УЛУҒ ХОНАДОН

Ўҳуд Ўзбекистон халқ ёзувчиси  
Муҳаммад Алининг  
Амир Темур оиласи тарихига  
оид асарлари хусусида сўз

### Отамдай яшашни истайман




5-бет



6-бет

### «Сотка»даги севги

### Хазонрезги инжиқликлари



8-бет

## ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!



Машраб НУРИНБОЕВ  
сурат-лавҳаси.

Болагинамнинг боласи, қантак ўрик донаси.

### УШБУ СОНДА:

Жажжи чемпионнинг орзулари .....	2
Солиқ бўйича қандай имтиёзлар бор? .....	3
Заминдан куч олган аёл .....	3
Қайси ёшдагилар кўпроқ ажрашмоқда? .....	6

### «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ»

акциядорлик компанияси — доимий ҳамкоримиз!

«ОБУНА — 2013»

Индекс — 176

«Оила ва жамият»

газетасини ўз оиласининг яна бир ҳақиқий аъзоси сифатида қадрлаб, биз билан ҳамфикр, ҳаммаслак бўлиб келаётган муҳтарам муштарийлар!  
Унутманг, севимли газетангизга обуна давом этмоқда.



Бугун тенгдошларидан анча ўзим кетган, ўзини катта мусобакаларга чоғлаётган ангорлик Асадулло Рўзиев ҳозир ўн икки ёшда. Отаси Жуманазар Рўзиев устасунардан, онаси Зарифа Шамиева эса тарбиячи. Оилада Асадуллонинг бир акаси ва бир опаси бор. У хонадоннинг кенжаси.

Умид-орзулари банд бўлган Зарифа опа соғлом, дуркун ва шўх Асадуллонинг қиёфасида хаёлан шуҳратли спортчини, дунё таниган чемпиони кўради. Айтнинг-чи, қайси бир она ёки ота ўз фарзандининг ақлли, кучли ва албатта, билимли бўлишини истамайди. Зарифа опа ҳам ана шундай катта истак соҳибаларидан биридир.

— Асадулло 4 ёшга кирганида уни спорт тўғрисида беришга қарор қилдим, дейди Зарифа опа. — Сўраб-суриштириб туман ички ишлар бўлими спорт залига етаклаб бордим. Зал билан унинг ораси анча узоқлиги боис, қатнаш оғирлик қилди. Кейин коллежнинг спорт залига олиб бордим. Бизни залда Хурсан Курбонов "Қани, бўлажак каратэчи келдими?" дея ёрғуз юз билан қарши олди. Асадулло билан кўришди. Бу илк учрашув ўғлимга хуш ёқиб тушди.

Хуллас, қора белбоғ 4-ДАН соҳиби бўлган Хурсан Курбонов шу кундан бошлаб Асадуллога устозлик қила бошлади. Муҳими, устоз шогирдга, шогирд эса устозга маъқул тушди. Жажжи Асадулло устози кўрсатган ҳар бир ҳаракатни диққат билан кузатар ва уни бекаму-кўст тасдиқларди. Ўз ҳаракатларидан ўзи завқланарди.

Биласизми, одатда 4-5 ёки 6-7 ёшли болалар оналари қўйнида эркаланиб ётадилар. Гоҳо улар қўёш найза бўйи кўтарилган чоғларда ҳам уйқудан туришга эринадилар. "Асалтойим тургин, полвонтойим турақол, мана мазали овқатларни ея қол!" дея оналарини қанча ялантириб, истар-истамас жойларидан кўзгалдиладар. Бу табиий ҳол. Зотан, боланинг эркалик ва пошшоллик фасли айнаи шу давр-да! Бироқ Асадулло ўйинқароқ болалик билан тенгдошларидан аввалроқ хайрлашди. Чунки спорт залидаги машқлар айнаи бир вақтда ва барча фаслларда олиб борилади. Негаки катта спортнинг йўли ана шундай.

—Баъзан саратон жазирамасида Асадулло машғулотларга боришдан эринарди, дея сўзидан давом этади Зарифа опа. — Кечаги машғулотлардан чарчаган бола ҳадеганда жойдан кўзгалгиси келмасди. Буну тушунарди. У тенги айрим болалар орасида ота-онаси хамроҳлигисиз кўчага чиқолмаслигини ҳам билардим. Ўғлим баъзан "Ая, шу бугунчалик инданманг, эртага бораман, чарчадим, боргим келмаяпти!" дея ялинарди. Шунда мен унга "Болам, катта чемпионларнинг ҳеч бирига осон кечмаган. Агар ҳозир-

дан эринчқоқлик қилсанг, унда қандай қилиб катта чемпион бўласанг?" Бундай жиддий ва астойдил гапларидан сўнг Асадулло иргиб ўрнидан турарди. Ювенил, овқатланар, спорт либослари солинган сумкасини елкасига осиб спорт зали томон кетарди. Аксарият пайтларда уни ўзим олиб борардим. Шундай қилиб, ўғлимда спортнинг каратэ турига нисбатан меҳр-муҳаббат пайдо бўлди. Ана шу муҳаббатнинг пайдо бўлиши учун кўп меҳнат қилишимга, заҳмат тортишимга тўғри келганини айтмасам ҳам бўлади.

## ЖАЖЖИ ЧЕМПИОННИНГ ОРЗУЛАРИ



2006 йили коллежда таъриқ биринчилиги ўтказилди. Асадулло ана шу мусобақада "Ғалабага бўлган иштиёқи учун" номинациясида 1-ўринни эгаллади. Шу кунги ҳамманинг нигоҳи олти ёшли голиб каратэчида бўлди. Унга ҳавасланиб қарадилар. Ҳали мактабга бормаган жажжи чемпионга ота-оналар, спорт мухлислари, ҳакамлар ҳам қизиқиш билан қарадилар, унинг ёрқин келажига катта ишонч билдирдилар.

2007 йилда вилоят реал айкидо (ҳозирги комбат айкидо) федерацияси ташкил топди. Унга қора белбоғ 2-ДАН соҳиби Асқарали Якубов раислик қиларди. Асадулло кун ора машғулотларга бораётганлиги сабабли, вақт бўлганлиги учун онаси ўғлини бу спорт турига ҳам олиб бора бошлади. Шундай қилиб, ёш чемпион бир кун шотакан каратэ-до турига, иккинчи кун реал-айкидога қатнашди. Шу йили у 35-мактабнинг 1-синфга қадам қўйди. Устозлари у билан ифтихор қилардилар, тенгдошлари унга ҳавасланиб, хайрат билан қарардилар. Чунки бу пайтга келиб Асадулло Рўзиев туман ва вилоятда танилиб қолган эди.

Очиги, Асадулло қатнашган вилоят, республика миксёсида мусоба-

### Болалар спорти

қаларни бир-бир санаб чиқиш қийин. Негаки, у 2006 йилдан буён деярли барча мусобақаларда мунтазам қатнашиб келаётган. Масалан, 2006 йили туман миксёсидаги ўтказилган учта мусобақанинг барчасида голиб бўлди. 2007 йили 7 марта вилоят миксёсида майдонга тушган бўлса, 3 та биринчи ўрин, 4 та иккинчи ўрин Асадулло-ники бўлди. 2008 йилда шотакан каратэ, до, фудокан каратэ, реал айкидо бўйича вилоят чемпионларида 1-, 2-, 3-ўринларни эгаллади. 2009 йил Асадулло учун ҳам, устозлари ва ота-онаси учун ҳам қувончли бўлди. Реал айкидо бўйича Ўзбекистон очик чемпионати (Тошкент шаҳри)да ангорлик чемпион 1-ўринни, ўша йили соҳибқирон Амир Темур хотирасига бағишлаб ўтказилган Ўзбекистон очик чемпионати, республика кубогига қатнашиб, 1-, 2-, 3-ўринларни эгаллашга муяссар бўлди. Ҳа йили у 19 та нуфузли мусобақада қатнашиб, 12 марта биринчи, 5 марта иккинчи, 2 марта учинчи ўринларни эгаллади. 2011 йили эса Тошкент, Бухоро шаҳарларида ўтказилган республика мусобақаларида Асадуллонинг яна омади чопди.

Истеъдодли ёш спортчи, жажжи чемпион Асадулло Рўзиев шу йил 6 июнда ўн икки ёшли тўлдириди. Ўтган йиллар давомида у тенгдошларининг ҳавасини келтирадиган йўлни босиб ўтди. Бугунга келиб олтин, кумуш, бронза медаллари сони 58 тага етди.

Ғайратли, шижоатли ва тиришқоқ ангорлик чемпионга Халқроқ айкидо ассоциацияси президенти Фаҳриддин Усмоновнинг назари тушди. Шу одамнинг тавсияси билан Асадулло Ўзбекистон терма жамоасига аъзо қилиб олинди. Шундай қилиб, ўн икки ёшли чемпион парвозга чиқди. Унинг ёрғуз келажига, спортдаги бўлғуси шаън кулларига ота-онаси, нурунийлар, устозлари чин дилдан дуо қилиб туришибди. "Асадулло ҳали Ўзбекистон спортининг фахри бўлади!" дея устозлари катта ишонч билдиришмоқда. Илоҳим, шундай бўлсин.

...Ўн икки ёшли Ўзбекистон чемпиони Асадулло Рўзиев озод элнинг бахтиёр фарзанди сифатида жаҳоннинг катта спорт майдонлари сари дадил бораётган. Умидворимизки, у ҳали бизни музаффар кунлари билан қайта-қайта қувонтиражак.

**Маҳмуд АБУЛҒАЙЗ,  
"Оила ва жамият" муҳбири  
Сурхондарё вилояти.**

## СОЛИҚ ВА ИМТИЁЗЛАР

Маълумки, жорий йилнинг 2 октябрида Республика Вазирлар Маҳкамасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан айрим тоифадаги юридик шахсларга мол-мулк солиғи, ер солиғи, ягона ер солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича имтиёз бериш тартиби тўғрисида"ги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори қабул қилинди.

Айтиш керакики, Низом Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 30-моддасига ва "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан айрим тоифадаги юридик шахсларга мол-мулк солиғи, ер солиғи, ягона ер солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича имтиёзлар бериш тартибини белгилайди. Низомга мувофиқ, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мол-мулк солиғи, ер солиғи, ягона ер солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича имтиёзлар солиқлардан тўлиқ ёки қисман озод қилиш тарзида беришлари мумкин.

Солиқлар бўйича имтиёзлар биринчи навбатда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик

жиҳатдан қайта жиҳозлашни амалга ошираётганларга; — Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига ёки худудий инвестиция дастурига киритилганларга; — худуднинг инфратузилмасини ривожлантиришда қатнашувчиларга берилади.

Солиқлар бўйича имтиёзлар бериш тўғрисидаги қарорлар лойиҳаларида куйидагилар мажбурий тартибда кўрсатилади:

- а) солиқлар бўйича имтиёз берилаётган юридик шахсларнинг тоифаси;
- б) имтиёз берилаётган солиқ тури;
- в) солиқлар бўйича имтиёз берилаётган муддат;
- г) солиқ солишдан бўшайдиган маблағларнинг мақсади йўналтирилиши.

Айни пайтда туманимизда мазкур қарор билан тасдиқланган Низом моҳияти солиқ тўловчилар иштирокида ўтказиладиган семинарларда ва солиқ тўловчилар томонидан солиқ ва молиявий ҳисоботларни тақдим этиш жараёнида уларнинг эътиборига ҳавола этилмоқда.

**Нилуфар ГАНИХОДЖАЕВА,  
Миробод тумани ДСИ бош давлат  
солиқ инспектори.**

### Қарор ва ижро

## ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

Тошкент шаҳар Сергели туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида жамоатчиликни ва қизларимизни ўз маҳалласи, яшаб турган хонадон ва унинг атрофини тоза тутишдаги масъулиятини ошириш, ёшлар ўртасида миллий кадрятларимизга амал қилиб яшашни тарғиб этиш мақсадида "Ораста қиз—оила гавҳари" номли лойиҳа доирасида тадбир ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Элмира Боситхонова ўз маърузаси билан иштирок этди.

Тадбир давомида тумандаги "Тинчлик" маҳалла фуқаролар йиғинида 26 нафар "Ораста қизлар давраси"нинг фаол қизлари билан суҳбат бўлиб ўтди. Маҳаллада бевосита қизлар ташаббуси билан олиб борилаётган озодалик ишлари, у ердаги ҳар бир уй ва йўлақларга бириктирилган қизлар кўпроқ нималарга эътибор қаратишлари муҳимлиги таъкидланди. Қўни-қўшничилик муносабатлари ҳаётиимизда қай даражада муҳим аҳамият касб этиши ҳақидаги фикрларини ёшлар слайдларга жойлаштирган лавҳалар асосида тақдим этишди.

Лойиҳа доирасидаги иккинчи тадбир тумандаги Бобур номидаги маҳаллада бўлиб ўтди. Маҳалладаги 55 нафар ораста қизлар иштирокида "Обод маҳаллам" мавзусида ҳашар уюштирилди. Ушбу маҳалладаги озодалик, одамларнинг бир-бирига бўлган иноқлиги ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Айниқса, бир хил оқ рангли фартук тақиб олган ораста қизларнинг уй йўлақларини тоза-озода қилиб супураётгани, болалар майдончаларига ўрнатилган аттракционларни юваётгани, гулзорларни чопиб ҳазонларни махсус идишларга йиғайтгани кўпчилигининг ҳавасини келтирди.

Ушбу тадбирда нафақат ораста қизлар, балки кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари ҳам бевосита иштирок этишди. Тумандаги "Гулистон" маҳалласида бўлиб ўтган учрашув туман ваданият ва спорт ишлари бўлими томонидан тайёрланган "Ҳашарга қақирув" сахна кўриниши билан бошланди. "Карвон" кўйроч театри томонидан сахналаштирилган "Нима яхши, нима ёмон?" спектакли орқали ҳазонларни ёқиб барчанинг саломатлигига жиддий ҳавф солиши, бу каби ҳолатларни қайд этилмаслигига маҳалланинг каттага, кичик аъзолари бирдек масъул экани, тозалик ва саришталик кундалик ҳаёт тарзига айланиши лозимлиги кўрсатиб берилди.

Тадбир якунида туман ҳокимлигида "Энг намунали уй", "Энг намунали йўлак" танлови голибларини тақдирлаш маросими ўтказилди. 20 нафар энг ораста қизлар ҳамда Бобур, Тинчлик, Гулистон, Шўқур Бурхонев маҳалла фаоллари ташақкурнома ва совғалар билан рағбатлантирилди. \*\*\*

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Тошкент шаҳридаги 26-республика тиббиёт коллежида ташкил этилган маърифий учрашув "оммавий маданият" таҳдидларига қарши курашиш, ёшларни миллий кадрятлар руҳида улғайтириш, ёш қизларнинг ташаббускорлик фазилатларини юксалтириш, хонадонлар ободлигини таъминлашда қизларнинг ролини кучайтириш масалаларига бағишланди.

Учрашувда Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан республикадаги ўқув муассасаларида ташкил этилган "Ораста қизлар" тўғраги аъзолари ёшларни интернет сайтларидаги ахлоқ нормалари ва маънавиятимизга эид бўлган, шунингдек, ижтимоий-маънавий ҳаётиимизга таҳдид солувчи ахборотлар оқимидан ҳимоялаш борасидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди. Ёшларда ушбу ахборотларга нисбатан имунитет ҳосил қилиш, қизларнинг кийинги ва муомала маданиятини юксалтириш, ёш қизларнинг ташаббускорлигини, оила мактаб ва бошқа жамоат жойларида ўзини тутишини яхшилашни таъминлашда ота-оналар, маҳалла, мактаб ва бутун жамоатчиликнинг масъулиятини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Элмира Боситхонова иштирок этди.

## ЗАМИНДАН КУЧ ОЛГАН АЁЛ

Ҳамида Юсупова шу йилнинг сентябрь ойлари охирида давлатга пахта топшириш режасини уddалаб, навбатдаги, катта бир масъулиятни адо этгани учун бироз тин олинди. Аммо кўнгли ҳали-ҳамон далада, қолган пахтани ҳам нест-нобуд қилмай йиғиб-териб олиш ишлари охиригача етказиш ҳақида ўйлайди. Шунинг баробарида кўнглидаги аллақандай ўй-хаёллар, фикрлар унга тинчлик бермайди. Ўйлаб қараса, шу йил фермерликни бўйнига олганига ўн йил бўлди. Мана ўн йилдирки, у шу даласи учун тиним билмайди, елиб-югуради, кечалари уйкуси чоқади, турсаям, ўтрасаям дала бағрига қадалган неъматлар ҳақида ўйлайди.

Ўш, у шу ўйловлари, тиниб-тинчимаслиги эвазига нималарга эга бўлди-ю, нималарни бой берди, қандай муваффақиятларга эришди-ю, қайсылари унга тутқич бермади?..

Ёдида, ҳали фермерликни бошлайман, дея гоҳ иккилиниб, гоҳ қарори қатъийлашиб турган пайтлар эди. Биров уни бу фикрдан қайтармоқчи бўлди, баъзилар ошқора устидан қулди. «Шу аёл бошига зарил кепиними, ундан кўра соғлигини ўйласа-чи», дейдиганлар ҳам кўп эди. Бу каби гаплар унинг ўзига бўлган ишончини бироз сусайтирди. Аммо Ҳамида опани яхши билганлар «Яхши бошлабсан бу ишни, йўлдан қайтма, зора...», деди. Опа бу гаплар билан овунди. Ичидаги бор шижоатини ишга солди: Нарпай туманида «Ҳамида Юсупова» йомли фермер хўжалиги ташкил қилди. Ишни далани чуқур ўрганишдан бошлади. Сўнг тажрибали миришкорлар, фермерлар тажрибасини ўрганди. Бу масалада ҳар бир майда-чуйдани ҳам назардан қочирмади. Ҳатто далага ишлов беришда бошқа вилоятлардаги деҳқонлар тажрибасини ўрганишдан ҳам эринмади.

64 гектарлик ерда галла, пахта ҳосилдорлигини ошириш, фермер хўжалиги ходимларига иш ҳақини ўз вақтида тўлаш, об-

ҳавонинг инжиқликларига чидаб, ерга ишлов бериш—Ҳамида опа бу ишларни юрак кўри билан бажарди. Ўйлаб қараса, бу меҳнатлари самарасиз кетмабди. Мана, неча йилдирки, давлатга пахта, галла топшириш режасини ўз вақтида ортиғи билан уddалаб келаётир. Фермер хўжалигининг учта трактори доим хизматга шай. Дарвоқе, шу йил галла топшириш режасини белгиланганидан ҳам ортиқ қилиб уddалагани сабабли, имтиёзли равишда енгил автомашина харид қилиш имконига эга бўлишди. Қолаверса, опа жамоат ишларида ҳам фаол. «Йил аёли — 2007» танловининг вилоят босқичи голибаси.

— Агар ҳозир сеvimли ишм, далам бўлмаса аҳволим не кечишини тасаввур ҳам қилолмайман, — дейди Ҳамида Юсупова. — Бу ишни бошламасимдан аввал онам жуда эрта вафот этган йиллар эди. Кутилмаган воқеа менга жуда қаттиқ таъсир қилган, ўзимни кўлга олишим кийин кечганди. Иштиробимнинг зўрлиги соғлигимга таъсир ўтказмай қолмади, гоҳ қон босимим ошиб кетар, гоҳ юрагим безовта қилар, шифокорга кўринишдан чарчагандим. Бир куни шифокорлардан бири «Сиз сеvimли ишингиз билан жиддий шугулланишингиз керак», деганларидан сўнг тўғриси, аввалига саломатлигим учун фермерлик билан шугуллана бошладим. Аммо бу катта ишнинг масъулияти хаёлимни бутунлай банд этиб қўйди. Экин-тикин ишлари бошланишидан оқ фермер хўжалигидаги ўн нафар ёрдамчиларим билан катта бир марраларни кўзлаган ҳолда иш бошлаймиз. Қолаверса, ерга қадалаётган уруғ навига алоҳида эътибор қаратамиз. Еримизга мос уруғ навларини аллақачон аниқлаб олганмиз. Масалан, галла уругини Андижон галлачиллик илмий-тадқиқот институтидан келтирамиз, пахтанинг «Элита» навидан экамиз. Касбим ҳисобчи бўлгани боис ҳар бир ишни қилишдан аввал ҳисоб-китоб қилиб кўраман,

## Ёнимиздаги одам

ҳаммасининг фойда-зарарини тарозига ўлчаб кўраман. Масалан, одатда бир чаноқ пахта оғирлиги 5-6 грамм келади. Аммо уни 8-9 граммгача етказиш мумкин. Буни амалга ошириш учун ерга ўз вақтида ишлов бериш муҳим аҳамиятга эга.

Тиним билмай қилган меҳнатларимиз баъзида об-ҳавонинг биргина ноқулай келиши оқибатида чиппака чиқиб кетади. Баъзида техникани кўпроқ ишга солишга тўғри келса, ерни қатқалоқдан чиқаришга белгиланганидан икки-уч бора кўпроқ меҳнат қилишга тўғри келган пайтлар ҳам бўлади. Бундай пайтлари жамоамиз билан бирга ҳаракат қиламиз, бир-биримизга далда берамиз. Ахир шу ер бизларни боқаяпти, яшаш шароитларимизнинг яхшиланишига кўмак бераёпти. Масалан, биргина шу йилнинг ўзида галладан соф 60 миллион сўм даромад олдик. Ўйлаб қарасам, меҳнатимиз самарасиз кетмаяпти. Давлатимиз томонидан фермер хўжаликлари доимий равишда кўллаб-қувватланиб келаётгани эса бизга куч, далда бўлаётир...

Ҳамида опа сўхбати давомида ҳар қандай мавзуда сўз кетганда ҳам гапни даласи томонга буради. Қилаётган ишлари, улкан режалар, уларни бажариш йўлидаги вазифалар... Сабаби оддий, унинг ўйи ҳам, хаёли ҳам қўқмаб келганидан то тирамоҳнинг сўнги кунларигача галла, пилла, пахта билан ўй-ғуналашиб кетади. Дарвоқе, Ҳамида опа яқинда фермер хўжалиги ҳисобидан иссиқхона ташкил қилиб, лимонарий яратишни ҳам бошлаб юборган.

Айримлар Ҳамида опага «Кўйинг, шу фермерлигингизни, энди дам олинг, фарзандларингиз уйли-жойли бўлди. Маза қилиб бошқа шаҳарларни кўринг, санаторийларга боринг», дебди. Бу — опани яхши билмайдиганларнинг гапи. Агар Ҳамида опанинг ўй-фикрлари, хаёллари билан таниш бўлганида эди, улар ер, дала фермер опанинг ҳаётига айланган улгурганини яхши англаган бўларди.

Гулрўх МҮМИНОВА.

## ҚАЙНОТАМ ҚУЁШИМ, ҚАЙНОНАМ ОЙИМ

Элга келган тўй, ўз хиссамни қўшай деб ҳамма қатори бу йил мен ҳам пахта теримига чиқдим. Қизиқувчанлигимдан далада ҳам хотин-қизларнинг фикр-ўйлари, ёшлар тарбияси, жамоат жойларида ўзини тутуши ва оила аъзолари ҳақидаги гапларига кўпроқ эътибор қаратаман.

Аёл зоти борки рўзгорим, болам-чакам дейди. Далада ҳам қўли пахтада-ю, кўнгли оиласида. Бири «Уйнинг эшигини кулфлаб келган эдим, ўғлим мактабдан келиб, кира олмай юрса-я», деса, яна бири «Кўпам хавотирланаверманг, мактабда тўғараклар кўп. Бирига борсин. Масалан, менинг 4 синфда ўқийдиган ўғлим волейбол тўғарига қатнаиди», дея маслаҳат беради.

Пахта териш баҳонасида (касбим тақозоси билан) аёллар ўртасида ўзимча социологик тадқиқот ўтказдим. Уларга янги оила курган келинлар қайнонаси билан яшагани маъқулми ёки алоҳида, деган савол билан мурожаат қилдим. Бири қайнонанинг бўлгани яхши, уйдан бемалол чиқиб кетасан деса, яна бири қайнонаси ҳам бинойидек яшаб ўтирибмиз, ҳеч камимиз йўқ дейди. Қизингизни қайнонали хонадонга берасизми, деган саволимга сўхбатдошларимнинг баъзилари ҳа, болалари катта бўлгунча қайнона керак деса, бошқа бир аёл эса, йўқ, рўзгоримни бўлак қилиб, қайнонамдан зўрга кутулдим. У кишидан қандай рўшнолик кўрдимки, қизим кўрса! Шу каби бир-бирига қарама-қарши савол-жавоблар билан баху бошланиб кетди.

Кун пешиндан оққандан кейин «қайнона керакмас» деган аёллар тезроқ пахталарини тортиб олишса-ю, уйга бориб овқат қилардим, дея хавотирга тушиб қолишди. Қайнона билан яшашни маъқуллаган келинлар «мен уйдан, болаларимдан тинчман, ҳудоба шукр қайнона-қайнотам бор. Дарвозамнинг кўли ҳам, зулфи ҳам шулар. Овқатим тайёр, болаларга бош-қош бўлиб ўтиришадим», дейишди хотиржамлик билан.

Тадқиқот натижаларидан шундай ҳулосага келдимки, никоҳ курган ёки энди оила кўрмоқчи бўлган ёш келин-куёвларга, йигит-қизларга оила, рўзгор юмушларини юритиш, меҳмонга бориш ва меҳмон кутуш, қайнона-қайнона муносабатлари ҳақида кенгроқ тушунчалар беришни йўлга қўйиш зарур.

Қадимда уй бекаларига бугдой нонинг бўлмаса ҳам, бугдой сўзинг бўлсин, деб ўғит берилган. Қайнона-қайнотанга нима керак — бир коса мазалигина овқат, бир оғиз ширин сўзинг бўлса, бас. Ҳар не келса бошингга, тилинган кўр, деган гаплар бор. Бир оғиз ўйламай айтилган сўз отқан ўқ мисоли уларнинг қалбига муҳрланиб қолади. Бундай гапни айтишдан ҳамиша ўзингни тий, дея уқтиришимиз зарур қизларимизга.

Минг шукрки, менинг ўзим ҳам қайнона-қайнотам билан бирга яшайман. Тенгқурларим сенинг қайнона-қайнотанг қандай ажойиб, деб ҳавас қилишадди. Илоҳим кўз тегмасин, деб кўяман ичимда. Уларни ёмон кўзлардан асрайман. Уйимнинг фаришта-си, файзи-барақаси, ахир шулар-да. Фарзандларим ҳам эшикдан кириб келиши билан давтавал момом, бобом қани, деб зўрашади. Турмуш ўртоғим ҳам ишдан кела солиб онам қани, дейди. Амаллар келади онам уйдами, деб. Қўшнлар кирди: «Энанг борми, деб. Ахир пири-бадавлат, нуруний бу инсонларни улғуламай бўлармикан? Янги остонага қадам қўяётган ёш келинчакам ҳам келин саломиди, «қайнотанг қўёшинг, қайнонанг оинг. Жуфтдан-жуфтдан эғлиб салом бер» деб бежиз эслатайди янгалар. Очиғи, «Қайнонали келин қарқара келин, қайнонаси келин масҳара келин» мақолининг асл маъносини ҳам мен мана шу ерда, пахта даласида кўрган ҳаётим мисолларда англадим.

Насиба МАШАРПИОВА,  
«Маҳалла» жамоат фонди  
Янгибозор тумани бўлинимаси бош мутахассиси.

Юзларидан файз ёғилган бу отахонни Жом қишлоғида, 22-мактабда биринчи кўнгирик тадбирда учратдим. Тадбирда қишлоқнинг кекса оксоқоли, ёшларнинг маслаҳатгўйи, жомлик курашчиларнинг устози сифатида Шавқи бобо Хўжақуловга сўз берилди.

— Йигирма бир йилдирки, эмин-эркин, ҳақ-ҳуқуқимизни таниб яшамоқдамиз, — дея сўз бошлади отахон ёшларга хос шахд билан. — Мен мустақилликнинг нақадар азиз ва мўътабарлигини фарзандларимиз камолида, ҳаётимиз фаровонлигида, инсонларнинг қадр топаётганида кўраман. Қирк йил ўқитувчи бўлиб ишлаб, ўқитувчилар меҳнатига, фарзандлар эртасига бугунгидек гамхўрлик қилинган замонни кўрмадим. Саксондан ошдим, аммо эндигина 21 йил яшаётгандекман. Илоҳим, бу ислохотларнинг бошида турган Президентимиз омон бўлсинлар...

Шавқи бобо тўлқинланиб, юзларида қувонч ёшлари сизиб узоқ сўзлади. Тадбирдан сўнг бобо билан икки оғиз сўхбатлашдик.

— Болалигим иккинчи ҳақон урушининг олов пуркаган дамларига тўғри келди. 1942 йил қишлоқдаги мактабнинг 1-синфига бордим. Синфдошларимнинг ёши турлича. Ёшимизга нисбатан мулоҳазали, сабр-тоқатли эдик. Ерга эски шолчаларни ташлаб ўқитув-

## СПОРТЧИ ОТАХОН

чимизни тинглардик. Бугунги дорилломон кунларни кўрганимга мингданминг шукр дейман...

Қаҳрамонимизнинг ибратли ҳаёт йўлига назар солар эканмиз, унда тинимсиз меҳнат, метиндек ирода, жамият олдидаги бурч, имон-эътиқодга содиқликни кўраимиз.

— Уримнинг салмоқли қисмини ёшларга таълим беришдек савобли ишга бағишлаганимдан фархланаман, — дея сўзида давом этади бобо. — Худоба шукр, баҳоли-қудрат шогирдлар тайёрладим, одамлар орасида озми-кўпми обрў-эътиборга эришдим.

1956 йилда Самарқанд жисмоний тарбия техникумини имтиёзли тугатиб, қишлоғидаги мактабда ўқитувчи бўлиб иш бошлаган Шавқи бобо 1958 йил Тошкент Давлат жисмоний тарбия институтига ўқишни давом эттирди. Жисмоний тарбия фани бўйича олий таълим олиб қишлоғига қайтган ёш ўқитувчи барча болаларни бу фанга қизиқтира олди. Бугун жисмоний тарбия тақдир йўлларига ҳамроҳ қилган шогирдлари бир талай. Худоеёр Жуманов, Ҳусниддин Маманов, Ну-



## Ибратли умр

рвали Қобилов, Уқтам Қобилов, Алишер Мамиров каби шогирдлари турли муассасаларда хизмат қилмоқда. Ҳозир ҳам отахон Жомдаги 21,63,22 мактабларга тез-тез ташир буюриб шогирдлари билан фикрлашади, қураши тўйларда бақовуллик қилади.

— Бугунги авлод ҳақиқий бахтиёр авлоддир, — дейди отахон. — Иш фаолиятим даврида дарсдан ташқари болаларни миллий кураш билан шугуллан-тирдим. У замонларда бугунгидек шароит қайда эди. Жарликда чим устида машғул олди борардим. Бугунчи, ажойиб спорт саройлари, ҳар бир мактабда спорт зали, спорт усуналари мавжуд. Ҳозирги ёшларимиз ўз салоҳияти, спортдаги ютуқлари билан дунёни лол қолдирмоқда.

Шавқи бобо айна пайтда 40 дан зиёд набираси қурувида қариллик гаштини сурмоқда. Унинг қалби ҳаётга, Ватанга, оиллага бўлган меҳрга тўла. Отахоннинг вужудидаги ғайрат, нуруний чехрасидаги ҳаётга, яшашга бўлган иштиёқни кўриб, руҳан завқ оласан киши.

Ҳошим ОРЗИҚУЛОВ,  
«Оила ва жамият» муҳбири  
Самарқанд вилояти.

Президентимизнинг "Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор" асаридаги ушбу сўзларни такрор ёдга олар эканман, Муҳаммад Алининг адабиёт йўлида собитқадам туриб, "Шу юрт, шу эл учун ишлаб, обрў топаёмиз", деган сўзлари кулоғим остида жанранглаб туради. Тўғриси айтиш керак, мустақилликнинг дастлабки йилларида қаламни бир чеккага қўйиб, ўзини осмон чоғлаганлар ҳам, тижорат майдонига кириб кетганлар ва ҳоказолар ҳам топилди. Худдики, тарихда бундай давр бўлмагандек, туман ичида қолиб адашганлар ҳам бор эди. Аммо устозни мен доимо қоғоз ва қалам ёнида собит кўрдим.

Уша кунлардаги бир воқеа хотирамда тиниқ ўрнашиб қолган.

Катта бир ўқув даргоҳига учрашувга бордик. Раҳбар-устозлар, олимлар, талаба ёшлар даврани кенг олишган эди. Тадбир бошланишида айрим талабалар худди бўйнидан занжир солиб, судраб келгандек, бепарво ўтиришди, кулган ҳам, ўзича гапирганлар ҳам, ҳатто сақич чайнаганлар кўзга ташланди. Устоз минбарда сўзлай туриб, шу орада "Гумбаздаги нур" дostonини ёддан ўқиди. Хотиржам, сокин овоз секин-аста шиддатли тус ола бошлаган эдики, атрофга сув қуйгандек жимлик чўкди. Ишонасизми, залга янги рух, янги кайфият кириб келди. Кимдир мук тушди, кимдир столга сунянди, яна кимдир устозга қараганча тик қотди. Бошимиз узра гоҳ майин шабада, гоҳ шиддатли тўлқин каби соҳир оҳанг қанот қоқмоқда эди.

Хаёлимиздан бурунги замон иллатлари, Амир Темурга бўлган ноҳолисона муносабат, унинг макбараси, унга кўз тиккан болакай ва эртазаминнинг қандай бўлишини ўйлаган юртпарвар инсонларнинг қисмати кинотасмадай ўтди. Устозлардан қай бири ўқинди, қай бирининг кўзига ёш келди.

Пастдаги қаторда ўтирган ширмой юзли талаба: "Ана бу кишини шоир" деса бўлади", деди. Шу эътирофнинг ўзи етарли, ортиқча сўзга не ҳожа? Зал устозни туриб олқишладди. Минг марта "Юртим!" деб бакиргандан кўра, битта ана шундай ибратли ҳолат неча юзлаб юракларга Ватан туйғусини, юртга муҳаббат ҳиссини уйғотди, ёшларнинг гурур отига қамчи уриб, эъзуликлар томон бошлайди. Уша кун учрашувдан сўнг ҳам талаба ёшлар анчагина устозни даврандан қўйиб юборишмади.

2007 йилда Қарши шаҳрида мактаб ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларида бирга иштирок этдик. Етти кун у киши билан кечакунду ёшлар орасида бўлиб, жуда кўп воқеаларнинг гувоҳи бўлдим. Унча-мунча нарсани тан олмайдиган журналистлардан бири етишиб келаятган янги авлод – мустақиллик фарзандлари билан ёнма-ён юриб, уларнинг туйғуларига ошно бўлиб, ўзининг фикри қотиб қолганини, бу ёшлар анча илгарилар кетганини ва бундай катта спорт мусобақаларини ўтказиш жуда ҳам зарурлигини, бу саъй-ҳаракатлар эртага катта натижалар беришини айтганда, Муҳаммад Али "Баракалла, ана энди ўзингизга келибсиз, айнан шуларни ёзинг, жонли чиқадими", деди. Ва мен гувоҳ бўлган бундай воқеалар жуда кўп.

"Менинг фикримча, ёзувчилик – бу оддий касб эмас, худо берган истеъдоддир. Бу – қисмат, пешонага ёзилган тақдир. Бу касбга ҳеч қачонда ўқитиб, ўргатиб бўлмайди. Ёзувчиликнинг мактаби ҳам, дорилфунуни ҳам битта. У ҳам бўлса, бир умр ҳаётининг ичида бўлиш, ўз халқи ҳамдарду ҳайнафас бўлиб яшаш, ҳақиқат ва адолатга садоқат билан хизмат қилишдир".

## УЛУҒ ХОНАДОН

ёхуд Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг соҳибқирон Амир Темур оиласи тарихига оид асарлари хусусида сўз



Қўлимда устознинг "Улуғ салтанат" номи остида чоп этилган учта салмоқли китоби: "Жаҳонгир Мирзо", "Умаршайх Мирзо" ва "Мироншоҳ Мирзо", навбатдагиси – қоғозга тушаётгани "Шоҳруҳ Мирзо". Ўқиш осон, лекин ҳар бир сўз, ҳар бир ифода ва ҳар бир ташбеҳ – кўз нури, юрак қуввати, уйқусиз тунлар ҳосиласи, хотирада пиштилган режаларнинг натижаси, ижод қилиш – юракка ханжар уриш, дегани, ўзини ўтга солиш, Яратганнинг олдида бандасининг саъй-ҳаракатини ҳолисона баҳолаш, дегани. Қўлимда қалам – нимани хоҳласам шуни ёзаман, дегани эмас асло. Сўз бизники эмас, унинг ўз эгаси бор. Ҳар бир сўзнинг тошу-тарозиси ҳам мавжуд. Дангалани айтганда, қалам билан тиллашиш – ўта нозик масала. Айниқса, улуғлар ҳақида китоб битиш жуда оғир ва сермашаққат ишки, устознинг шу ёшда хонадонларимизга қалам улуғ соҳибқиронни қайтариб олиб кирганининг ўзи жуда катта фидойилик, десам, муболага бўлмас. Лекин мен эътиборингизни масаланинг бошқа томонига қаратмоқчиман: бу асарлардаги муҳим жиҳат нима, яна ўша қайтариқлар, ўша жанг тафсилотлари, Ватан озодлиги йўлидаги курашлар, бунёдкорлик, меъморчилик ва ҳоказоларми?! Йўқ, чоп этилган ҳар учала асарда ҳам биз ёлғиз Соҳибқирон Амир Темурни эмас, балки унинг оиласи, фарзандлари, аёллари, яқинларига бўлган муносабатини, уларнинг сўзлашув наларини, кийинишларини, ўзларини туттишларини, Сароймулкхонини ва бошқа аёллар ўртасидаги турли воқеаларни аниқ-тиниқ кўрамиз.

Амир Темурнинг ўз фарзандлари тарбиясига қаратилган тафсилотлар ҳам эътибордан четда қолмайди:

"...Қиссахон Мавлоно Убайд соҳибқиронга кўп китоблар ўқиб берарди, бу Мироншоҳ Мирзога жуда ҳам ёқарди. Ушанда турк ҳоқонлари, Эрон шохлари, Рум қайсарлари, Ҳинд

рожалари, Чин фаҳрурлари ҳақида тинглаган кўп ривоятлар бари унинг хаёлида... Соҳибқирон барча ўғиллари-ю набираларини йиғиб, келажакда шубҳасиз нафи тегади, деган умидда кечмиш эртаklarини тинглаша ундарди".

Демак, Амир Темурдек даҳо инсон ҳам фарзандлари, набираларини қадим урф-одатлар, эртак, дoston ва газаллар тинглаш асосида тарбия қилишни кўзлаган. Бу нарсани йилда биттагина китоб олиб беришни ўйламаётган ота-она учун яшгини сабоқ эмасми?! Бола оилада ўз-ўзидан тарбия топмайди. "Куш уюсида кўрганни қилади" деганларидек, фарзанд яхши чиқса, ота-онанинг элнинг бахти, нобокор қисса – додингизни кимга айтасиз?!

"Жаҳонгир Мирзо" – биринчи китобда шундай лавҳага кўзингиз тушади:

"Амир Темур Оқа Беги хонимни жуда суярди, бирон ёқдан Самарқандга қайтса ёки сафардалик чоғида даставвал сўрайдиганлари ичида, албатта, ёқимтой қизининг исми бўлар, «Менинг момо қизим яхши юрибдими?» деб кўярди. Тўққиз ёшга кирган Султон Бахт бегим эса бус-бутун унинг акси: тиниб-тинчимас, ерга урсанг осмонга сапчийди, бир жойда ўлтириш йўқ, қиз боламан делмайди, ўғлонлардек питрак. Кувондан эгани унинг тутумини кўриб, инисига: «Амир соҳибқирон, шу қизингиз ўғил бола бўлиб кўя қолмаган экан-да, а!..», деб ҳазиллашгани ҳазиллашган эди".

Амир Темур тарбия масаласида қатъий эди, фарзандларини камолотга етказиш йўлида улкан давлат ишлари билан бирга олиб бориб, бу ишга вақт топа билиб, фидойилик намуналарини кўрсатди. Жаҳонгир Мирзо шу юрт озодлиги йўлида жонини берди, уни валиҳадим дея қанчалар ардоқлар, эъзозлар эди. Оқила ва гўзалликда тенгсиз қизи Оқа Бегимни еру кўкка ишонмас эди. Ҳар иккала фарзанди бевақт вафот

этганда, қарийб икки ойлар чамаси бағрини зах ерга бериб ётган отани бир кўз олдингизга келтиринг! Шундай улуғ инсон фарзанд деб қайгурди, оҳ-воҳ чекди. Устоз бу воқеаларнинг барини ҳаяжон ва изтироб билан тасвир этганки, асарни ўқиш жараёнида сиз Улуғ Амир билан бирга туйғулариңизни баҳам кўрасиз. Адибнинг маҳорати ҳам ана шунда эмасми?!

Ҳар учала асарни ўқиш жараёнида жуда кўплав саволларимизга ҳам жавоб топаемиз. Ўз тарихингга ҳурмат нафақат ўтмишни билиш, балки ўзингни ва дунёни англаш ҳам демакдир.

Хусусан, биз асарни шунчаки эрмак учун эмас, балки ўша замон оиласида, шахсан Амир Темур хонадонидagi тартиблардан тортиб, то тайёрланган шохона овқатлар, кийимлар тўғрисида улкан тадқиқотлар олиб боришимиз мумкин. Инчунун, устоз уларни беҳуда санаб, кўрсатиб ўтмаганлар. Хуллас, ҳар учала китоб ҳам оила даврасида ўқиладиган, ўрганиладиган асар. Нега айнан уйда, бошқа жойда ўқиш мумкин эмасми?! Хоҳлаган асарингизни истаган жойингизда ўқингиз мумкин, аммо оила – муқаддас даргоҳ, у ерда ҳамма китобни ўқиш мумкин эмас. Ўзингиз ўйланг, фарзанду неваралар, қизлару келинлар билан бирга-лиқда бузуқчилик, фаҳш тасвирланган фильмларни томоша қиласизми? Йўқ. Ва яна уч қара йўқ! Шундай экан, хонадонда ўқиладиган китоблар ҳам танлаб олинади. Севимли адибимиз ана шундай учта бог барпо этиб, бизни хушнуд этдилар. Тўртинчи боғни ҳам ҳадемай томоша қилишга муяссар бўламиз. Мухтасар айтганда, етмиш ёшларда ҳам қаламни эъзоз тутиб, бизга намуна бўлаётган Муҳаммад Алидан хали кўндан кўп аjoyиб асарлар қўтиб қолишга ҳақлимиз.

Тўлқин ХАЙИТ,  
Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган маданият  
ҳодими.



**ЧАНГАЛ** – бу сўзнинг биринчи маъноси "панжа", "тирноқлар", "қўл сиқими" мазмунида бўлса, иккинчи маъноси "ўрмон", "дарахтзор" маъносини ифода қилади. "Чангалзор" сўзи ҳам иккинчи маънодан келиб чиққан. "Чангал" сўзининг биринчи маънодаги "чанг солмоқ" мазмунидаги "чанг" сўзига алоқадорлиги бор. Шунингдек, тилимизда торли мусиқа асбоби маъносини англатган "чанг" сўзининг "тирноқ" маъносидagi "чанг" сўзига алоқаси бўлиши керак. Чунки бу чолғу асбоби бир пайтлар тирнама усулида чалинган.

**Бургут чангали. Айиқ чангали.**

**Улар чапга бурилиб, ўт босган катта ариқдан йигирма-ўттиз қадам юргач, тўп-тўп чангал бошланди.**

Одил Ёқубов

**КУДА ВА КУЁВ** – тилимизда фаол қўлланадиган бу икки сўзнинг ҳозирги маъноси ҳаммамизга маълум. Аминхон Маматовнинг "Этимологик кузатишлар" китобида бу икки сўз битта "ку" деган илдииздан ўсиб чиққан деб таъкидланади. Унга кўра "куда" сўзининг туб маъноси "катта меҳмон", "улуғ меҳмон", "куёв" сўзнинг илдизи эса, "кичик меҳмон" деган мазмунни англатади. Шунингдек, бу сўзларга асос бўлган қадимий "ку" феълнинг "асрамоқ", "қўриқламоқ", "сақламоқ" каби маънолари ҳам бўлган экан.

**ХЎЖАФАТ** – мевали бута ўсимлиги ва ўсимликнинг майда, тўқ қизғиш рангда бўладиган меваси тилимизда "хўжафат" деб аталган. Яъни, малина ва малина меваси шу сўз билан ифодаланган. Смородина эса, "қорағат" дейилган.

**Маълумки, хўжафат, қорағат, саримсоқ, зирк сингари ботаник атама-лар ўзбек тилида қадимдан ишлатилиб келади.**

"Ўзбек тили ва адаби-ёти" журналидан

**Эшқобил ШУКУР тайёрлади.**

Бу сўзларни Дилшод ака гап орасида шунчаки айтмади. Қалб кўрига йўрилган бу ибора қахрамонимизнинг эзгу мақсадига айланган десак муболаға бўлмайди.

Паркент тумани марказига кириб бораверишда йўл четида қад ростлаган кўркам спорт мажмуасига кўзи тушган киши бефарқ ўтиб кетолмайди. «Раҳимжон» фермер хўжалиги раҳбари Дилшод Ибоев ўз маблағи ҳисобига қурдирган ушбу мажмуада бугун паркентлик ёшлар спорт машғулотларига бепул қатнашишяпти. Энг қувончлиси, улар орасидан спорт турлари бўйича вилоят, республика мусобақаларининг голиблари, чемпионлари чиқмоқда. «Маҳалла» фондининг туман бўлими бош мутахассиси Раҳима опа Гофурова билан «Бўстон» қишлоқ фуқаролар йиғинига борганимизда Дилшод ака шийпон ҳовлисида трактор таъмирлаётган экан.

Фермер кўлидаги усуналарни шогирдларига узатиб, «Сизлар ишни давом эттиравинглар», дея бизларни айвонга бошлади.

— Фермерликни энди бошлаган пайтларим техникани унча тушунмасдим, — дейди Дилшод ака. — Шу сабабли анча-мунча қийинчиликларга ҳам дуч келганман. Айни иш қизиган пайти техника панд бериб қолса, механизаторлар, «Бўлди, ишдан чиқди, бошқа ускуна сотиб олиш керак, эскиси ярамайди», деб туриб оларди. Охири ўзим трактор минишням, созлашням ўрганиб олдим. Ўғилларимнинг учалиси ҳам ортимдан эргашиб, фермерликни танлашди. Уларга ҳам ишни аввало техникани пухта ўргатишдан бошладим.

Яхши ота фарзандларига ҳар қандай китобдан ҳам аълороқ тарбия беришини билган Ибой бува олти ўғил, икки қизига ҳар жиҳат-

дан ўрнак бўлди. Ҳаётда ака-укаларнинг аҳил-иноқлиги, меҳроқибатли бўлмоғи, ҳар қандай пайтда бир-бирларини доимо қўллаб-қувватлашлари лозимлигини ўқитишдан чарчамади. Яқинлари кўмагига таяниб фермерликни бошлаган Дилшод ака оқ фотиҳа олгани падари бузруквори ҳузурига борганида у киши ўғлига шундай деди: «Ернинг қадрига етган одам унинг учун жон

эгаси, чин маънода мулкдорга айланди.

— Дадам ҳар икки гапининг бирида «Ўтган кунингни унутма, эски чоригингни қуритма», деган иборани тез-тез тақоррайди, — дейди Дилшод ака ўтган йилларни эслаб. — Тўғри, ҳозир ҳалол меҳнат туфайли озми-кўпми маблағ орттирдик. Қўша-қўша техникалар олдик. Аммо оғир кунларимга яраган «Нива»ни ҳеч нарсага

## Замондошларимииз

тонна ўрнига 83 тонна сара дон етиштирилди. Дарвоқе, хўжаликда 12 йил муқаддам 15 та кўй, 7-8 бош қорамол билан чорвачиликка кўл урилган эди. Бугун кўйлар сони 700 дан, қорамоллар сони эса 70 бошдан ошди. Фермер ўзи яшаётган ҳудудда жойлашган коллеж, мактаб, шифохоналарни таъмирлаш ишларига, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга ҳам баҳоли-қудрат ёрдам бериб келмоқда.

— Ота-онанинг бир-бирига суянч бўлиб яшаётганини кўрган фарзандлар ҳам шундан ибрат олиб кетавераркан, — дейди фермернинг турмуш ўртоғи Холида опа биз билан суҳбатда. — Спорт мажмуаси қурилаётган пайтда ишчиларга 30 килолаб ош дамлаб, кунига тандирда 100-150 та нон ёпардим. Иқболаҳон янги келин бўлиб тушган пайтлар эди. Бара-

# ОТАМДАЙ ЯШАШНИ ИСТАЙМАН

куйдириши керак. Бирор натижани кўзладингми, истакнинг ўзи камлик қилади. Бунинг учун тинимсиз меҳнат қилиш керак».

Фермер дастлаб Бўстонлиқ туманига туташ ҳудуддан 23 гектар ер олиб, деҳқончиликни бошлаганида бу кўчалар ҳали тупроғи кўпчиган йўл эди. Аввал йўлга шағал ётқизиб, техника кирадиган ҳолатга келтирди. Сўнг электр симларини тортиб, мўъжазгина шийпон қурдирди. 2001-йил Дилшод ака ўз даласига энг сара бугдой уруғидан қадади. Уша йили ҳосил жуда мўл бўлди. Ердан унумли фойдаланишни эплай олмаган фермерларнинг экин майдонларини ҳам Дилшод акага кўшиб беришди. Дастлаб у 86, 100, кейинчалик 300 гектар ва ниҳоят бугунга келиб 400 гектар ер



алишмайман. Унга кўзим тушганида қаттиқчилик билан ўтган даврлар эсимга тушади.

Дилшод акани яқиндан билган оғайнилари «Ернинг тилини билди у» дейишади. Чунки у айрим фермерларга ўхшаб, фойда эмас, ҳосилни кўпайтириш ташвиши билан яшайди. Фермер далага уруғ қадалганидан то ҳосил йиғиб олинганча тиним билмайди. Бир қарасангиз пиёз экилган дала бошида, бир қарасангиз бугдойзорда меҳнат қилаётган бўлади. Шунинг учун ҳам фермер хўжалиги ҳар йилги давлат шартномасини ошиғи билан бажаради. Бу йил ҳам мазкур фермер хўжалигида 68

ка топсин, келиним уйимизда бундай ишларни қилмаганман, демади, ўчоқ бошига борсам, ортимдан эргашди, супра ёйсам, тандирга олов қалади. Хуллас, бир келиним кўлимдаги қапғиримни, бири косовимни олди.

Фақат ҳаётий тажрибагина бизни дунё неъматларини қадрлашга ўргатади, деганларидек, Дилшод ака каби юзи офтобда қорайган, кўли ишда қадоқ бўлган, меҳнатсиз чинакам бахтга эришиб бўлмаслигини ҳис қилган инсонлар сафи кенгаверсин.

Нигора РАҲМОНОВА,  
«Оила ва жамият» муҳбири.



РЕКЛАМА РЕКЛАМА РЕКЛАМА РЕКЛАМА РЕКЛАМА РЕКЛАМА

## «ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларига таълиф этади.

Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.  
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.  
Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.  
Ҳамшира — 6 ой, 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.  
Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).  
Тиббий массаж — 2 ой. Нуқтали — 1 ой.  
Торт ва пишириқлар — 2 ой.  
Торт олий курси — 1 ой.  
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 1 ой.  
Аёллар сартарошлиғи — 3 ой.  
Тўй ва оқшом турмақлари ва мажия — 1 ой.  
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.  
Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.  
Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой. **Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.**

Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).  
Гўзаллик салонига тайёрлаш — 1 ой.  
Каштачилик — 3 ой (машинада яшишга).  
Тўқувчилик — 2-3 ой.  
Инглиз тили — 3 ой, Рус тили — 3 ой.  
Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.  
Декоратив гул, сарпо қути ва саватлар ясаш — 2 ой.  
Бисердан гуллар, дарахтлар ясаш — 2 ой.  
Карвинг (мева ва сабзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.  
Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.

**Барчаси амалиёт билан**  
Етоҳона мавжуд.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-маъвзе 1-уй 31-хона.  
МУЛЖАЛ: Юнусобод деҳқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача).  
ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йўли кучаси 4-уй 40-хона. МУЛЖАЛ: Қуйлик киний бозори рўлрасида.  
ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи)

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Азиз ва суяқли неварамиз Умидахон!

Сени таваллуд кунинг билан муборакбод этамиз. Яратгандан соғлиқ-саломатлик, узоқ умр кўришингни тилаймиз. Келажакнинг ёруғ, ҳаётнинг фаровон бўлсин. Ҳар доим оила аъзоларимизнинг суяқлиси бўлиб юргин.

Бобонг Қўлият ва бувинг Нургул момо.

Қашқадарё вилояти Чирочқи тумани Умакай қишлоғи

## ҲИҚМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИҚМАТДИР ДУНЁ

\*\*\*

Уйланган киши мисоли кемага ўлтирди, деб билгин, кема минган одам эса денгиз ичра қиради.

\*\*\*

Ўғил-қизнинг нобакори ота-онасидан кейин уларнинг номларини унутади.

Юсуф Хос ҲОЖИБ

**Бугун кўл телефони йўқ одамни учратиш мушкул. Бу матоҳнинг қулайликлари ҳақида гапиришнинг ҳождати йўқ (зарарини-ку айтмай кўя қолайлик). Биз унинг муҳаббат, севги деган туйғуларга солаётган раҳнаси, унинг воситасида топталаётган ҳис-туйғулар, кадр-қиммат тушунчаларига етказилаётган пугур хусусида қалам тебратишга уриндик.**

## ТЕЛЕФОНДАГИ ТАНИШУВ

**Педагогика коллежи талабаси Дилдора Нарзуллаева хикояси:**

– Бу йилги ёз кимгадир қувонч олиб келган бўлса, Зилолани ҳам-андухга ботирди. Унинг бир неча кундан буён ҳаловати йўқ.

Хаёлларида орзу қилган "шаҳзода-си" бир неча ойдан буён унинг телефондаги дардқашига айланган йигит – ўзидан ёши анча катта, боз устига оилали одам бўлиб чиқишини ўйлаб ҳам кўрмаганди.

...Бундан бир неча ойлар илгари Зилола коллеж талабаси эди. Тенгдош дугоналарининг кўпиди "сотка" борлиги учун у ҳам уларга хавас билан қарарди. Ахир, бу орзусига етишиш учун астойдил ҳаракатга тушди. Ота-онаси-дан турли баҳоналар билан пул олиб, яширинча телефон сотиб олди.

Бир куни телефонда Алишер исмли йигит билан танишиб қолди. Улар соатлаб суҳбатлашишар, қиз йигитнинг ширин сўзларини тинглагани сайин унга каттиқроқ боғланиб борарди. Ширин суҳбатлар гўрғина қизни ажойиб оламлар сари етакларди. Зилола Алишер акиси бераётган ваъдалардан гўё еттинчи осмонда учиб юрар, қувонар, унинг сўзларидан сархуш бўларди.

Алишер ўзини уйланмаган, оиласининг яққа фарзанди деб таништиради. Зилола бора-бора атрофдагиларга бифарқ, ҳатто онасининг ҳам дилига озор берадиган бўлиб қолди. Ҳали замон ваъда қилинган совчилар келиб қоладигандек, ўзини ўз уйига бегонадек тутта бошлади.

Бу пайтда уларнинг танишганига олти ой бўлганди. Зилола севгилисиди (энди уни шундай атарди)га ўзидан-да кўпроқ ишонарди. Ваҳоланки, у йигитни ҳали бирон марта ҳам кўрмаган эди...

Ниҳоят, ёзнинг илк кунларида Зилоланиннг кўл телефонига "смс" келди. Унда бир неча ойлاردан бери интиқиб кутилган дийдор таклифи ёзилган эди. Қиз ўзида йўқ севинди. Шу кеча тонг отиши анча қийин кечди унинг учун. Тонг ёришди. Бу кун Зилола учун кўёш ҳар қачонгидан ўзгача парлар, у биргина қиз учун нур сочаётгандек эди. Белгиланган вақтда Зилола онасига дугонамикига кетаяпман, деб, кўчага йўл олди.

Учрашув жойига келиб, Алишер акасини излай бошлади. Сабри етмади, дарров телефон қилди. Йўлнинг нариги четиди кўзлари кимнидир қидираётган нотаниш киши турарди. Зилоланиннг кўнгли галати бўлиб, ўша киши томон юра бошлади.

У киши телефонни қулоғига тутганча Зилола томон жилмайганча қараб турарди. Зилола нотаниш киши томон яқинлашиб келди-ю, ўзини 21 ёшли йи-


гит деб таништирган йигитнинг аслида ўзидан анча катта эканини кўрди-ю қотиб қолди!

Орага бир неча дақиқалик сукунат чўкди. Сўнг Зилола ўзини тутиб олди-да:

– Наҳотки, мени шунча вақтдан буён аҳмоқ қилган бўлсангиз? Мениннг кўнглимни ўйин қилишга ҳаққингиз йўқ,

# «СОТКА»ДАГИ СЕВГИ

## Кимни бахтли, кимни бахтсиз қилапти?



тушундигизми! – деди нафрат билан. Алишер эса беларволарча: – Сиз ҳам менга бошқа кўнгирак қилманг, оилам бузилса, мендан яхшилик кутманг, – деди-да, ортига бурилиб кетди.

Зилола катта хато қилганини шу онда тушуниб етди...

Яхшики, бу «муҳаббат»нинг охири аянчли ҳол билан ақун топмади. Бироқ орамизда телефондаги муҳаббат домига илиниб, ҳаётини барбод қилаётган қизлар ҳам йўқ эмаслиги ҳақида ўйласак, уларнинг телефондаги суҳбатлар давомида хушёр бўлишлари ниҳоятда зарур эканидан огоҳ этгимиз келади.

## “ИХТИЁРИМ УНДА ЭДИ”

**дейди уч ойда оиласи бузилган келинчак**

Ҳа, у уч ой аввал не-не орзу-ниятлар билан турмушга чиққанди. Қиз учун янги ҳаёт эшиклари очилган эди. Аммо у ақлини йигиб ололмади, янги уйда янги, соф орзулар ила яшамоқ лозимлигини тушуниб етмади. Аксинча, анча вақтдан буён телефон орқали суҳбатлашиб, яқин сирдошига айланиб қолган бегона йигит билан алоқани узмади...

Тўйдан сўнг ўн кун ўтгач, келинчакнинг кўл телефониди таниш исм пайдо

## Ойна

зуқун уйда ёлғиз қоладиган келинчак ва бор-йўғи телефон орқалигина ғойибона таниш бўлган йигит билан ҳар қандай мавзуда очиқ-ойдин гаплашарди...

Беҳаё суҳбатлар келинчакни ақлдан оздирай дерди, бироқ бу суҳбатдан, йигитнинг кўнгириғига жавоб бермасликдан ўзини тийиб туролмасди. (Бу ҳолат қандай аталишини изоҳлаш қийин. Инсонлар онгу шуурини захарлай бошлаган телефон энди оилаларга раҳна солиб, эрли аёлни ғойибона зинога чорлашга уринмаяптимикиан, деган оғриқли савол туғилади).

Хуллас, келинчакни шайтон чинакамига йўлдан уриб бўлди. У энди телефонда танишган, ойлаб суҳбатдош бўлган йигит билан учраша бошлади...

Кўп ўтмай ҳаммаси аён бўлди, келинчак шармандаларча ота уйига қувгин қилинди, қиз ўстирган ота-онаниннг ҳам, устига устак бир дунё орзу-умидлар билан келин туширган қудаларнинг, кувё боланиннг ҳам боши эгилди...

– Нега бундай қилдингиз, ахир гулдек оилангиз кўзингизга кўринмадими? – сўраймиз кўз ёшларини тиёлмаётган келинчакдан.

– Ўзимни тутта олмай қолдим, бутун инон-ихтиёрим унда эди, – дейди баттар бошини эгиб...

Энди унинг тақдирини қандай кечишини ўйлаш оғир ниҳоятда. Айтганча, телефонда танишган ошиги ( унингча, дўсти!) ном-нишонсиз ғойиб бўлибди...

## “ХОТИНИМНИ ҚАЕРДАН ТАНИЙСАН?”

...Йўлда бизга ҳамроҳ бўлган 30 ёшлардаги йигитнинг телефони мусиқа чалиб, «тилга кирди»—

– Алло, эшитаман.  
– Алло, бу ... нинг телефони?  
– Ҳа, ўшаники. Сен кимсан? Хотинимни қаердан танийсан?

– ...  
– Гапир деяпман сенга!

Телефондан қисқа-қисқа гудок эшитилди. У томондаги йигит дағдагадан кўрқиб, алоқани узди. Аммо зумда жаҳл отига минган ҳамроҳимиз ҳалиги номерни яна тера бошлади. У томондан жавоб бўлмагач, уйига кўнгирак қилди.

– ... рақамли танишинг борми?

– Йўқ, دادаси, у ёқларда (рақам воҳа вилоятларидан бирининг коди билан келиб тушган экан) менинг қандай танишим бўлиши мумкин? – деди хотин ажбланиб.

– Унда у йигит сенин исмингни қаердан билади? А, айт-чи, қаердан билади?

– ...  
– Ота-онангнинг, акаларингни уйга чақириб қўй! Эшитдингми, мен боргунча улар уйда туришсин. Ўшаларнинг олдида сени шарманда қиламан! Мен у ёқда сенлар учун ишлаб юраверибман-у, сен бўлсанг бу ёқда!.. – йигит тилга олиб бўлмайдиган сўзларни айтиб, ғазаб билан телефонини ўчирди...

Воқеаниннг қандай тугагани бизга қоронгу. Ишқилиб, аёлга у йигит нотаниш бўлиб чиқсин-да. Акс ҳолда...

Шахло ТОШБЕКОВА

## Биласизми?

Кўп ҳолларда қоматимизни меъёрда сақлаш ниятида ўзимиз ёқтирган, хуш кўрган неъматлардан воз кечишимизга тўғри келади. Бироқ, қаддими-за ва чиройимиз учун зарар деб ҳисоблаган маҳсулотлар аслида соғлиқ учун фойдали бўлиши мумкинлигини ҳам эътиборга олиш керак.


Ўзингизни ёғли таомлардан тийманг! Айрим ёғли маҳсулотлар ва ўсимлик мойлари юқори калорияли ҳисобланишига қарамадан тишлар учун жуда фойдалидир. Овқат маҳали ва овқатдан сўнг пайдо бўлувчи тахир модда тишларимизни химоялаб турувчи кальцийга зарар етказди. Зайтун ва бошқа ўсимлик ёғлари эса ушбу жараённинг ол-

дини олади. Бошқа ёғли маҳсулотлар: ёнғоқлар, пишлок, хайвон ёғлари ҳам худди шундай таъсирга эга.

Шуни ёдда тутиш керакки, ёққа бойитилган қислоталар ва Е витамини атеросклероз, вақтдан илгари қариш ва бошқа оғир хасталикларнинг олдини олади. Қувват берувчилар қаторида углеводларни ёғлар ўрнига қабул қилиш мумкин эмас. Аксинча уларни белгиланган меъёрда ушлаб туриш мақсадга мувофиқдир.

Шоколадли конфетларни ёқтирасиз, лекин семиршдан кўрқасизми? Кўнглингни хотиржам қилинг! Какао ва шоколад юрак томир тизимига ёрдам беради, тромблар ҳосил бўли-

шини сусайтиради ва қон босимини меъёрда сақлаб туради. Бундан ташқари, қора шоколад таркибида кўп миқдордаги флавоноид ва антиоксидантлар артерия қон томирларига тромблар тикилиб қолишининг олдини олади, бу билан у организм-



ни юрак хасталиклари (инфаркт, инсульт) дан ҳимоя қилади.

## Қаҳвасиз яшай олмайсизми?

Одатда қаҳвани соғлиқ учун зарарли ичимликлар қаторига киритишарди. Аммо қаҳвани кўп миқдорда (қандсиз ва ширинликсиз) истеъмол қиладиган инсонлар семиршиш ва 2-даражадаги қандли диабет касаллиги билан камданкам хасталанишар экан. Кофеин танга қувват бахш этди, калорияни йўқотишга

ёрдам беради, вазн ортишига йўл қўймайди ҳамда қандли диабет ривожланишининг олдини олади. Бироқ қаҳва истеъмолдан сўнг юрагингиз атрофи қисилса, уйқусизлик безовта қилса, ичимлик меъёрини камайтириш лозим, шу билан бирга, қаҳва асаб касаллиги билан хасталанган кишиларга ҳам таъсия этилмайди.

Зарарли одатларнинг фойдаси ҳақида гапирганимизда, сиз учун ўзига хос ҳаёт тарзини белгилаб қўймоқчи эмасмиз. Ҳар қандай фойда меъёридан ошиб кетса, зарарга айланиши мумкин. Ҳар нарсаниннг меъёри бўлгани яхши.

Гулчехра АЗИМОВА тийёрлади



## ДАРАХТ ТЕПАСИДА РЕСТОРАН


Япониянинг Окинава оролида гаройиб ресторан жойлашган. Бу ресторанга 10 метр баландликда,



яъни банян деган дарахт тепасидаги эшикдан кирилади. Чунки, ресторан айнан ушбу дарахтнинг тепасига қурилган. Бу эшикка етиш учун дарахт танаси ичига ўрнатилган махсус лифт ёрдамида кўтариласиз. Худди улкан куш уясини эслатувчи ўта оғир вазни бу ресторани, тагин ўнлаб хўррандаю ошпазлари билан дарахт қандай қилиб кўтариб турганига ҳайрон қолишингиз мумкин. Гап шундаки, аслида дарахт табиий эмас, балки цементдан қурилган. Аммо усталар шу қадар маҳорат билан ишлашганки, унинг сиридан хабардор бўлгач ҳам бу ҳол мижозлар ёки сайёҳларнинг ҳайратига, таассуротларига асло зарар етказгани йўқ.

## ЧИВИН НЕГА ҚОН СЎРАДИ?

Табиийки, одамлар чивин чақишидан безор бўлишган. Чивиннинг қонхўр ҳашарот эканлигини ҳамма билади. Аммо, чивинларнинг фақат урғочиларига қон сўради. Нега шундай?



Бу нарса уларга уруғ пайдо қилиб, насл қодиршига хизмат қилар экан. Умуман олганда чивинларнинг урғочиси ҳам, эркаги ҳам қон сўрмасдан бемалол яшаши мумкин. Уларнинг ҳақиқий озуқаси сув ва нектардир.

Дарвоқе, қон сўрувчи ҳашаротларнинг аксарияти қон истеъмол қилмаса кўпая олишмайди. Қон нектардан фарқли ўлароқ, ҳашарот учун оқсилга бой озуқа ҳисобланади. Қоннинг суюқ қисми ва эритроцитлар ичида сақланувчи оқсиллар қизишиб, ҳашаротларнинг тухумдоида тухумчалар пайдо қилади. Улар ўз тухумларини тиниб турган қўлмак сувлар юзасига қўяди. Айримлари шу жараёнда сўнг нобуд бўлишади. Омон қолганлари яна қон сўриб, ўша қоннинг қуввати билан қолган тухумларини ҳам қўйишади.

Наргиза СИДДИҚОВА тайёрлади.

## ҲАСАДГҲЙ ҚЎШНИЛАРДАН АСРАСИН

– Худойим мени қизлардан “бой” қилган. Олти нафар қизим, бир ўғлим бор, – дейди тахририятимизга келган Мунира ая. – Отаси билан ҳалол меҳнат қилиб, деярли ҳаммасини ўқитиб, олий маълумотли қилдик. Мақтанишга йўмангу, қизларим бир-биридан чиройли, ақлли ҳушли бўлиб вояга етишди. Оллоҳга шукр, беш қизим бирин-кетин яхши хонадонларнинг келини бўлишди. Лекин яхши кунингни кўролмайдиган қўшнилар ҳам учаркан. Авваллари ҳам қўшниларим орасида қизларимга келган совчиларни йўлдан уриб қайтариб юборган ҳолатларни эшитганман. Ҳозир эса қудаларим ўша қўшингизнинг гапига кирганимизда шундай яхши қизни қўлдан чиқарган бўларканмиз, дейишади. Барибир ёмон ёмонлигини қўймас, экан. Яқинда маълум бўлдики, кенжа қизимга келган совчиларни ҳам ҳасадгўй қўшним оиламиз, қизимиз ҳақида бўлмағур гапларни айтиб ортга қайтариб юборётган экан. Назаримда, ўғлимни уйлантиргач, қизим келинбойиси олдида ҳам бироз хижолат бўлаётгандек туюлади.

Хуллас, гулдек қизим 27 ёшга тўлганда, совчиларнинг қадами бутунлай узилди. Шунинг учун газетангизга мурожаат қилиб келгандим. Қизимнинг исми Юлдузхон. Олий маълумотли, молиячи. Банкда ишлайди. Уни кўрганлар 27 ёшга тўлган дейишмайди. Жуда ёш кўринади. Уйланмаган, 30-35 ёшгача бўлган, ёмон қусурлардан холи йигит топилса, куёв қилмоқчиман.

Мунира ая,  
Тошкент шаҳри

## ОНАМ ҲАҚ ЭКАНЛАР

Дугонамнинг тўйида кўркам, савлатли бир йигит эътиборимни тортиди. У ҳам даврада ўйнаётганимизда атрофимда парвона бўлиб қолди. Кейин биз ўтирган столга келиб ўзини таништирдик. Камол исми бу йигит дугонамнинг қариндоши экан. Тўй ўтгач, иш жойимни суриштириб, ёнимга келди. Мен ҳам унга бефарқ эмаслигимни билиб, ишхонамга тез-тез қатнайдиган бўлди. Бир йилга яқин учрашиб юрдик. Иш жойини

сўрасам, ҳозирча ишсизман, лекин кўп жойга чақиришяпти, дерди. Мен содда, ҳамма гапига ишониб ўтирибман.

Уйга совчиларни жўнатгач, онам оиласини суриштирибди. Кейин мени олдиларига ўтказиб, кўп насиҳат қилдилар. «Йигитнинг ота-онаси яхши экан-у, ўғлининг на тайинли иши, на хунари бор экан. Савлатига учма, келажагингни ўйла», дедилар. Севгининг кўзи қўр

қайтишиндан олдин яхшилаб ўйлаб кўр, дейишди. Эримникига қайтсам, яна ўша оғир кунлар бошланиши аниқ эди. Шу боис ажрашишга аҳд қилдим. Мана икки йилдан буён ўғлим билан ёлғиз яшапман. Собиқ турмуш ўртоғим эса қайта уйланиб, ажрашишга ҳам улгурди. Топганим ўғлим иккаламизга етади, аммо оилада эракнинг ўрни бошқа экан. Турмуш қуриш ниятида, сизларга мурожаат қилаяпман. Ёшим 35 да. Маълумотим ўрта махсус. Компьютер операториман. Иш жойи тайин, бир-икки фарзандли, оқ-қорани таниган инсон учраса, турмуш қурадим.

Баҳора,  
Фарғона вилояти.

## САБР ҚИЛИБ САОДАТГА ЕТДИМ

– Алло. Ассалому алайкум, соғ-омонмизилар! Мен Шокир акаман, Сирдарёдан. Сизларга мурожаат қилганимда Саодат исми аёлнинг рақамини бергандингиз.

– Ҳа, танидим. Бирон янгиликлар борми? Саодат ая билан гап-лашдингизми?

– Сизларни кўп безовта қилиб қўйганимдан хижолат бўлиб юргандим ўзи. Хабарингиз бор, ҳужжатларимни “Бахтли бўлинг” бўлимига 3 йил олдин топшириб қўйгандим. Ўз дилимдагидек маърифатли, дунёқараши кенг, кўрган-да юрагим жиз этадиган аёлни анча изладим. Ахир қолган ҳаётимни мазмунли ўтишида танлаган умр йўлдошимнинг ҳиссаси катта бўлади-да, деб уйланишга шошмадим.

Шошмасдан тўғри қилган эканман. Саодатхонни кўрдиму, излаган аёлим шу эканига амин бўлдим. У дилқаш ҳам-сўхбат, фикрлари теран, келишган аёл экан. Бир биримиз билан узоқ синашнинг ҳожати бўлмади. Турмуш қуришга аҳд қилдик. Фарзандларим ҳам менга яхши рафиқа учраганидан хурсанд. Хуллас, сабр қилиб Саодатга етдим! Сизларга чуқур миннатдорлик билдираман.

## ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рункига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан), соғлиги тўғрисида маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

## АНОР БОР, ДЕМАК ДАРДИНГГА ДАВО БОР

Анор қадим замонлардан бери табобатда турли касалликларни даволашда ишлатиб келинади. Май ойдан бошлаб гуллаб, куз фаслига келиб меваси ҳосилга қиради. Табобатда нафақат меваси, дарахт пояси, пўстлоғи, мева пўсти ҳам кенг фойдаланилади.

Баҳорда анор поясидаги ва йирик шохларидаги пўстлоқ шилиб олинади. Илдиз пўстлоғини тайёрлаш учун илдизи қазиб олинади ва тупроқдан тозалаб, пўстлоғи шилинади. Очiq ерда қуритилади.

Анор пўстлоғи таркибида алкалоидлар, ошловчи моддалар, катрон, бўёқ ва бошқа бирикмалар, мева пўстида ҳам кўп миқдорда ошловчи моддалар бор. Алкалоидлар йиғиндисидан пельттерин ва бошқа алкалоидлар ажратиб олинади.



Меваси таркибида органик кислоталар кўп миқдорда лимон кислотаси, қанд, витамин С ва бошқа бирикмалар бўлади. Қамқонликда ҳам анор яхши натижа беради.

Абу Али ибн Сино анор пўстини қон тупурганда, милк қонаганда, меъда ка-

## ТабиаТ — дорихона

саллиқларида (ич кетиш, қон аралаш ич кетиш) да, сийдик ҳайдаш, тишни мустаҳкамлаш, яраларни ва бошқа касалликларни даволашда ишлатган.

Халқ табобатида анор пўстлоғи мева пўсти ва гули истиско, қўтир, йўтал, ич кетиш, дизентерия, сариқ касалликларида, оғриқ қолдирувчи, сийдик ва гижжа ҳайдовчи дори сифатида ишлатилади.

Анор мевасининг шираси сангила касаллигида ҳам буюрлилади. Иштаха очиш учун ичилади.

### Мева пўстидан қайнатма


Оғзи ёпиладиган идишга бир стакан сув қуйилади. Устига майдаланган мева пўстидан бир чой қошиқ солиб қайнатилади. 2 соат тиндирилиб, докандан сузиб олинади. Қайнатма юқорида айтиб ўтилган касалликларда кунига 3 маҳал овқатдан олдин бир қошиқдан ичилади.

Илмий тиббиётда анор илдизи пўстлоғидан тайёрланган дорилар (пельттеринтанат, қайнатма, суюқ экстракт) тасмасимон гижжаларни туширишда фойдаланилади. Тиббиётда ишлатиш учун мева пўстидан танин ва мева ширасидан лимон кислотаси олинади.

Нилуфар тайёрлади

# ХАЗОНРЕЗГИ ИНЖИҚЛИКЛАРИ

Кузнинг биринчи оёи саналган сентябрда бобо куёш ўз нурларини аямай сочиб турадио, лекин октябрга келганда эрталаб ва кечқурунлари этимиз жунжикиб, иссиқ ҳаво танга хуш ёқа бошлайди. Тонгда осмон қовоғини уйиб ёмғир томчилай бошласа, пешинга бориб куёш чарақлаб ҳаво исиб кетади. Об-ҳавонинг шу тарзда алмашиниши, табиатдаги ўзгаришлар соғлигимизга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Атрофимизда тумов бўлаётганлар, йўтал ва шамоллашдан қийналаётганлар сони ошади. Хўш, бундай мавсумий ноқулайликлардан қандай қутулиш мумкин? Айрим касалликлар нима учун айнан куз фаслида хуруж қилади?



**Элнора АБДУҒАНИЕВА,**  
Тошкент тиббиёт академияси  
“Умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш ва эндокринология” кафедраси ассистенти:

— Куз мавсумида тумов, нафас тизимининг ўткир вирусли касалликлари, тонзиллит ёки бодомча безининг яллиғланиш жараёнлари, ўткир бронхитлар ва айрим ҳолларда зотилжам билан оғриган беморлар сони кўпаяди. Бундан ташқари, бўғим, ўпканинг сурункали ва ошқозон-ичак тизими касалликлари ҳам зўрайиши мумкин. Нега бошқа фаслда эмас, айнан ҳазонрезги маҳали, деган ўринли савол туғилиши табиий. Танамизни катта бир механик

тизим деб оладиган бўлсак, у кун бўйи ички жараёнлар ва ташқи муҳитга мослашиш учун маълум бир миқдор энергияни сарфлайди. Куз бошланиши билан оқ эрталабки ва кечки совуққа, кундузи эса иссиққа мослашиши керак

бўлган танамиз ҳаддан зиёд куч сарфлаши лозим бўлади. Ана шундай манба етишмовчилиги туфайли организм сустлашиб, иммун тизими кучсизланади. Бундай шариотда ташқи муҳитдан кирган вируслар ёки ички муҳитда одатий ҳолда яшаб фаолият кўрсатадиган бактериялар фаоллашиб, патологик жараёнлар вужудга келади ва касаллик ривожланади. Хўш, биз бундай пайтда қандай йўл тутишимиз лозим? Хавотирга тушиб, дорихонама-дорихона югуриб, бор-будимизни совуришимиз керакми? Албатта, йўқ!

## НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

Аваламбор, танамизнинг куч-қувватини ошириш, унинг ҳар қандай касалликка бўлган чидамлилигини мустаҳкам-

## Соғлигимиз — бойлигимиз

лаш учун, **биринчидан**, бир кунда уч маҳал (имкони бўлса оз-оз миқдорда беш маҳал) овқат ейиш, узоқ вақт оч юрмастик, **иккинчидан**, истеъмол қилаётган озиқ-овқатимизнинг оқсил ва турли витаминларга бой бўлишига эътибор бериш билан бирга, мева ва сабзавотлардан тайёрланган салатлар, **учинчидан**, дамламалар, тоза асал тановул қилиш ҳам иммун тизимини кучайтиришга кўмаклашади.

## МУҲИМ МАСЛАҲАТЛАР

Энг аввало, ўз танамизни эҳтиёт қилишимиз зарур. Об-ҳавога мос кийиниш, совуқ, шамол пайти кўчада кўп вақтимизни ўтказмасликка ҳаракат қилиш зарур. Шунингдек, оғиз бўшлиғи гигиенасига жиддий риоя этиш, тишлар орасида овқат қолдиқлари тўпланиши (бактериялар йиғилиши мумкин)га йўл қўймаслик, кариесга чалинган тишлар бўлса, зудлик билан даволатиш керак. Яна бир жиҳати, қабзият ёки тез-тез ич кетиш ҳолатлари ҳам иммунитетини тушириши мумкин. Бундай хавфнинг олдини олиш учун аввало, сут-қатиқ маҳсулотларини кўпроқ истеъмол қилишнинг аҳамияти катта. Айниқса, бундай маҳсулотлар болалардаги иммунитетни кўтариш билан бирга, тана учун энг зарур бўлган кальций миқдорини ҳам яхшилади.

Зарурий шартлардан яна бири **эмланиш**, яъни вакцинация қилдиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Шу ўринда вакцина қилдиришга ошиққаётганлар учун маслаҳатимиз, бу муолажа сизга фақат танангиз соғлом ҳолатда бўлган вақтдагина қилиниши зарур. Мабодо сезинг иммунитетингиз ўша маҳалда бошқа касаллик билан курашаётган бўлса, у вакцинани тўлақонли қабул қила олмайд. Бундай ҳолатда эмлашнинг таъсир вақти қисқариб кетиши мумкин. Вакцинация яхши фойда бериши учун овқатланиш тартибини ҳам меъёрга ушлаш зарур.

“Оила ва жамият” муҳбири  
Шаҳноза РОФИЕВА ёзиб олди.

## Биласизми?

### ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ...

**Телесериал.** “60 дақиқа” деб номланган сериал 1968 йилдан то 1990 йилгача давом этган. “Тўппончадан чиққан тутун” сериали ойнаи жаҳонда 1955 йилдан 1975 йилгача намойиш этилган. “Қизилтанлининг руҳи” сериали эса АҚШ да 1951 йилдан то 1971 йилгача давом этган.

**Ширинлик.** 1984


йилда Женеваликлар байрам муносабати билан гаройиб “Наполеон” тортини пиширишди. Унинг узунлиги 487,2 метрга тенг эди.

**Пицца.** Жанубий

Африканинг Норвуд шаҳарчасида яшовчи 5 нафар шоввоз ҳам рекордлар китобидан урин олишга аҳд қилишди. Бир қатор савдо дўконларининг кўмаги билан улар 37 метрлик пицца тайёрлашнинг уддасидан чиқдилар. Уни тайёрлаш учун эса 29 соат вақт кетди. Тайёр бўлган пицца бўлақларга бўлиниб, ўша ернинг ўзида сотилди. Бундан тушган пул эса қари-ялар уйи ва Авлиё Марк коллежи фондига ўтказилди.

**Чанги.** Ушбу чанги Германиянинг Зиллинген шаҳрида мавжуд ва унинг узунлиги 30 метрга тенг. Унда ўнлаб чангичилар бир вақтнинг ўзида бемалол учинлари мумкин.

Г. Азимова тайёрлади.



## ФХДЁ фаолияти

### ФАРЗАНДЛАР ВАТАН КЕЛАЖАГИ

Конституциямизнинг 65-моддасида “Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади”, деб белгилаб қўйилган.


Дарҳақиқат, оила бир боғ бўлса, фарзанд унинг энг ширин меваси ҳисобланади. Касбимиз тақозоси билан кўплаб никоҳларни, туғилишларни қайд этишимизга тўғри келди. Айтайлик, туманимизда жорий йилда 2000га яқин чақалоқлар дунёга келиб ёш оилаларга қувонч бағишладилар. Айни пайтда фарзандлари камолини кўришни истаган кўплаб ота-оналар уларнинг билим олишини таъминлаш, бирор-бир касбга йўналтириш хусусида жиддий ўйлашмоқда. Бугунги кунда юртимизнинг чекка-чекка қишлоқларида қурилган мактаб, коллежлар, спорт мажмуалари фарзандларимизни янада билимли, кучли ва салоҳиятли инсонлар бўлиб етиштишига имкон бермоқда. Гоҳида ширин ҳаёллар одамни ўз оғушига тортади. Зеро, ёш оила қурувчиларга а никоҳи қайд этилган ҳужжатни топширар эканмиз, сизлардан энг яхши фарзандлар дунёга келсинки, элимиз, юртимиз корига ярасин деймиз.

Маҳфуза ИСМОИЛОВА,  
Бўқа тумани ФХДЁ бўлими  
1-тоифали иш юритувчиси

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар Кўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Таҳририятга келган кўлэмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмунини учун таҳририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида chop этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00.



Бош муҳаррир:  
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Шаҳноза РОФИЕВА  
Саҳифаловчи — Оқил РАҲМОНОВ  
Мусаҳҳилар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,  
Гулноза БОБОЕВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темур кўчаси  
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида  
0169-рақам билан 11.01.07 да рўйхатга  
олинган. Буортма Г — 1028. Формати А-3,  
ҳажми 2 табоқ. Адади — 6226. Баҳоси кели-  
шилган нархда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20  
Котибият: 234-76-08  
Мухбирлар: 233-04-50  
«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oilavajamiyat.uz

1 2 3 4 5



СПОРТ...СПОРТ...СПОРТ...

## ГОЛИБЛАР

### АНИҚЛАНДИ

Тошкент вилояти Пискент автопо-  
лигонида автомобиль халқа пойгаси  
бўйича Ўзбекистон шахсий биринчили-  
ги мусобақалари ўтказилди.

Ўзбекистон мудофаасига кўмакла-  
шувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг  
Республика техник ва амалий спорт  
турлари маркази томонидан ташкил  
этилган мусобақада спортчилар уч  
йўналишда голиблик учун курашди.  
Беллашувларда пойтахтлик Азиз Эр-  
гашев, Жасур Атаматов ва Жаҳонгир  
Эрматов ўз йўналиши бўйича зафар  
қучди.

## «ОЛТИН ТЎП» — 2012 НОМЗОДЛАРИ

Кеча ФИФА 23 нафар футболчидан  
иборат «Олтин тўп»-2012 номзодлари-  
нинг номини эълон қилди.

Хабарингиз бор, голиб номини  
аниқлашда ҳар бир давлатнинг терма  
жамоалари бош мураббийи ва сардор-  
лари иштирок этади. Бунга кўшимча  
журналистлар овоз беришади.

Голиб номи 7 январь куни эълон  
қилинади.

Номзодлар билан танишинг:

Серхио Агуэро (Аргентина, «Ман-  
честер Сити»), Марио Балотелли (Ита-  
лия, «Манчестер Сити»), Карим Бен-  
зема (Франция, «Реал»), Жанлуиджи  
Буффон (Италия, «Ювентус»), Серхио  
Бускетс (Испания, «Барселона»), Икер  
Касильяс (Испания, «Реал»), Дидье  
Дрогба (Кот-д’Ивуар, «Шанхай Шень-  
хуа»), Радамель Фалькао (Колумбия,  
«Атлетико»), Златан Иброхимович  
(Швеция, «ПСЖ»), Андрес Иньеста  
(Испания, «Барселона»), Лионель Мес-  
си (Аргентина, «Барселона»), Мануэль  
Нойер (Германия, «Бавария»), Неймар  
(Бразилия, «Сантос»), Месут Ўзил  
(Германия, «Реал»), Жерард Пике (Ис-  
пания, «Барселона»), Андреа Пирло  
(Италия, «Ювентус»), Серхио Рамос  
(Испания, «Реал»), Криштиану Ронал-  
ду (Португалия, «Реал»), Уэйн Руни  
(Англия, «Манчестер Юнайтед»), Яхё  
Туре (Кот-д’Ивуар, «Манчестер Сити»),  
Робин ван Перси (Голландия, «Ман-  
честер Юнайтед»), Хави Алонсо (Ис-  
пания, «Реал»), Хави (Испания, «Бар-  
селона»).

Интернет манбалари асосида  
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

Ўзбекистон Хотин-қизлар Кўмитаси  
«Оила ва жамият» газетаси Бош  
муҳаррири Норқобил Жалиловга  
турмуш ўртоғи

Анорхол Худойбердиевнинг  
вафоти муносабати билан чуқур таъ-  
зия изхор этади.

«Болалар ва оилаларни қўллаб-  
қувватлаш» ассоциацияси (Болалар  
жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун»  
халқаро хайрия жамғармаси ҳамда  
«Оила ва жамият» газетаси таҳририяти  
жамоаси газета Бош муҳаррири  
Норқобил Жалиловга турмуш ўртоғи  
Анорхол Худойбердиевнинг  
вафоти муносабати билан чуқур ҳам-  
дардик билдиради.